



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

www.zarnews.uz
<https://www.facebook.com/zarnews.uz>
[@zarnews_uz](https://t.me/zarnews_uz)
https://twitter.com/zarnews_uz

Биз ёшларнинг
мамлакатимиз
хаётидаги демократик
жараёнларда фаол
иштирок этишига,
уларнинг сиёсий ва
ижтимоий
салоҳиятини
оширишга алоҳида
эътибор қаратишимиз
лозим.
Ш.МИРЗИЁЕВ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2019-yil 2-iyul, seshanba, 84 (23.200)-son

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Кадрли фарзандларим!

Сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизда кенг нишонланаётган Ёшлар куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу кутлуг айёмда барчамиз ёшлик инсон умрининг нақадар гўзал ва бегубор фасли, улкан орзу-умидлар, беқиёс имкониятлар даври эканини янада чуқур хис қилиб, сиз, навқирон фарзандларимизга энг эзгу тилаklarимизни изхор этамиз.

Ўтган қисқа даврда жамиятимиз ҳаётидан мустақкам ўрин эгаллаган бу байрам **давлатимиз, халқимиз ўз фарзандларининг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслигини, мамлакатимиз ёшлари ҳам Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билишни яққол ифода этмоқда.**

Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бунинг иккинчи йилда шу соҳага оид 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ўнлаб фармонлари, қарор ва фармойишлари қабул қилинган ҳамда шу асосда улкан ишлар амалга оширилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идораларо кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва "Ёшлар клуби" иш бошлади.

Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун **"Ёшлар - келажагимиз"** жамғармаси томонидан бугунги кунга қадар 692 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани, республикамиз бўйича 125 та "Ёшлар меҳнат гузари", 19 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг маркази фойдаланишга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртилари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, "Темурбеклар мактаби", "Президент мактаблари", "Ижод мактаблари" деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган беш ижобий ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётганини биз албатта юксак баҳолаймиз. Бу йўналишда амалга оширилаётган катта қўрилиш ва ободончилик ишлари билан бирга, "Ёшлар кутубхонаси" туркумидаги 470 мингта бадий адабиёт республикамиздаги барча мактаблар ҳамда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашларига бепул тарқатилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ёш авлодининг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини ёш спортчиларимиз халқро мусобақаларда муваффақиятли катнашиб, 520 та олтин, 544 та кумуш, 588 та бронза медалига сазовор бўлганида ҳам кўриш мумкин.

Азму шижоатли, навқирон йигит-қизларимизнинг ўз соҳасида, жамоат ишларида эришаётган ютуқларини муносиб рағбатлантиришга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда.

Масалан, ўтган йили ана шундай ватанпарвар, фидойи юзлаб ёшларимиз "Дўстлик" ордени ва "Шухрат" медали, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Келахак бунёдкори" медали, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди. Яна 28 нафар азамат йигитимиз янги тасвир этилган "Мард ўғлон" давлат мукофотида сазовор бўлди. Бугун уларнинг сафларида яна бир

гуруҳ фаол ёшларимиз қўшилаётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз фарзандларим!

Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини мустақкамлаш, айниқса, уларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уюлмаган ёшлар билан ишлаш, оилавий ажримлар, ўсмирлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёшлар жиноятчилиги 2018 йилга нисбатан 37 фоизга камайгани, аддашиб хато йўлга кирган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 599 нафар шахс Ёшлар иттифоқи кафилиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга енгил жазо турлари тайинлангани жамиятимизда кечиримлилик, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини кучайтириш йўлидаги янги қадамдир.

Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бу борада ўз сафларида 7 миллион 680 минг аъзони бирлаштирган Ёшлар иттифоқи томонидан жойларда олиб борилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, уларни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, бу йил мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларда бўладиган сайловларда чуқур билим, қатъий гражданлик позициясига эга бўлган ёшларимиз фаол қатнашиб, вакиллик органларида муносиб ўрин эгалласа, бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Кадрли ёш дўстларим!

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётганини барчангиз яхши биласиз. Уларга қарши курашишда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, буюк аجدодларимиз жасорати, жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари биз учун куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани **жаҳолатга қарши - маърифат** тамойили асосида олиб бораётган кенг қўламли ишларимизнинг узвий бир қисми бўлиб, у ер юзидаги икки миллиарддан зиёд ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга маҳкам бел болаган эканмиз, бу улуг ишни эртага эмас, бугун бошлашимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнан бугун яратиш беришимиз керак.

Шу муносабат билан сизларни ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган ишларимизни наинки давом эттирамиз, балки уларни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Бугун биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалар бутун халқимиз каби сизлардан ҳам ҳар томонлама катта тайёргарлик ва сафарбарликни талаб этмоқда.

Ишончим комил, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, ўз амалий ишларингиз, гайрат-шижоатингиз билан жонажон Ватанимизга муносиб, сadoқатли фарзандлар бўласиз.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор кутлаб, барчангизга сихат-саломатлик, шахсий ва ижтимоий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Ёшларни бирлаштирган кун вилоятимизда муносиб нишонланди

Мазкур сана аҳолисининг 60 фонздан кўпрогини ёшлар ташкил қиладиган мамлакатимиз тарихига мухрланиб бормоқда. Бу йил иккинчи бор ўтказилган "Ёшлар куни" тадбирлари вилоятимизда ўзига хос таразда нишонланди.

Ёшлар куни арафасида барча туман ва шаҳарларда "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ўтказилди. Жумладан, 29 июнь куни Самарқанд шаҳридаги ёшлар марказида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ёшлар билан учрашди.

Ёшларнинг пухта билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароитни яратиш қўйса, уларнинг бандлигини таъминласа, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашасан жамиятда учрайдиган кўп муаммоларга ечим топилади, турли хил кўнгилсиз ҳолатлар учрамайди, - деди Э.Турдимов.

Шунинг учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, кўплаб давлат ва жамоат ташкилотларида ёшлар бўйича ўринбосар лавозими жорий этилди. Айнан ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат дастурлари қабул қилинди. Аммо ҳали ҳам айрим раҳбарларда, ташкилотларда ёшлар муурожаатларига беписанд қараш, уларга етарли даражада эътибор қаратмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бундай шахслар фаолиятига албатта, ҳуқуқий баҳо берилди. Лекин сиз ўзингиз ҳам ана шундай вазиятда уларга қарши ўз муносабатингизни билдириш, сизни

30 июнь куни эрта тонгдан туман ва шаҳарлардаги истироҳат боғлари, хиёбонлар ёшлар учун чинакам сайилгоҳга айланди. Ёшларнинг жисмоний тарбия ҳамда оммавий спортга қизиқишини кучайтириш мақсадида Самарқанд шаҳрида веломарафон ўтказилди.

Шундан сўнг Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ташкил этилган "Ёшлар сайли"да иқтидорли йигит-қизларнинг ижод намуналари, ихтиролари, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари, рангтасвир асарлари, ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилди. Тадбир доирасида спорт мусобақалари, викто-



муддати белгиланган ҳолда топшириқлар берилди.

риналар, музика ва санъат мактаблари ўқувчиларининг музикаий чиқиш-

лари уюштирилди.

Тадбирлар давомида Самарқанд шаҳридаги "Эҳолдин" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида "Биз, ёшлар юртимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт" шiori остида касбий амалий имтиҳонлар тақдироти ҳам ўтказилди.

Сана муносабати билан "Мўъжиза" амфитеатрида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ёшларига байрам табригини вилоят ҳокими Э.Турдимов ўқиб, эшиттирди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 28 июнда қабул қилинган "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарорига асосан, тақдирланган Самарқанд иختисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг 3-босқич ўқувчиси Лазизхон Ўзбеков ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 3-босқич курсанти Асқар Рўзимуродовга ушбу мукофот тантанали равишда топширилди.

Етти йилдан буён юнон-рум кураши билан шуғулланиб келаман, - дейди Лазизхон Ўзбеков. - 2-8 июль кунлари Хорватиянинг Загреб шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида голиб бўлиб, олтин медални кўлга киритдим. Интилишларим муносиб эътироф этилиб, нуфузли мукофот билан тақдирландим. Бундан жуда хурсандман.

Иқтидорли, ташаббускор ёшлар ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган корхона-ташкилотлар вилоят ҳокимлиги томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Э.Турдимов Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашига "ISUZU" русумли автобус совға қилди. Шунингдек, вилоят ҳокими ургутлик ёшларга ҳам улар билан ўтказилган учрашувда ваъда қилинган автобусни топширди.

Пойтахтдан келган ва вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари ижросида куй-қўшиқлар янгради ва ёшлар учун Регистон майдонида 3D шоу ташкил этилди.

**Бахриддин ХОНКЕЛДИЕВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

Вилоят Кенгаши сессияси

Вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтмиш тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишини вилоят ҳокими, Кенгаши раиси Э.Турдимов олиб борди.

Сессия кун ва иш тартиби тасдиқлаб олинган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳақида вилоят прокурори Ф.Зуфаровнинг ахбороти тингланди.

Масала муҳокамасида вилоят ҳокими Э.Турдимов коррупцияга қарши курашишни бошқа соҳалар катори таълим тизимида кучайтириш юзасидан таклиф берди. Унга кўра, вилоят халқ таълими бошқармаси Самарқанд шаҳридаги ва туманлар марказларидаги талаб юқори мактабларда ўқувчилар сони кўпайиб кетмаслиги бўйича аниқ чора-тадбир ишлаб чиқади. Негаки, бугун биргина Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактаби 3 коэффицент билан (ўқувчилар белгиланган нормадан 3 баравар кўп) ишлапти.

Биринчи синфга ўқувчиларни қабул қилишга мактаб маъмурияти аралашмайдиган низом ишлаб чиқади. Бу норматив ҳужжат вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Сессияда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида кор-

рупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига уларнинг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссияларини ташкил қилиш тавсия этилган.

Шунга кўра, халқ депутатлари вилоят Кенгаши таркибида қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия негизида қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия ташкил этилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан вилоятдаги судларнинг 2019 йил 6 ой давомида амалга оширган ишлари тўғрисида суд раисларининг ахборотлари тингланди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси сессияда иштирок этмаганлиги учун унинг ҳисоботи кўриб чиқилмади.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг ҳисоботидаги қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия негизида қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия ташкил этилди. Хусусан, никоҳдан ажрим масаласига фавқулодда ҳолат сифатида қараш ҳамда ариза берувчиларнинг яшаш жойига кўра, тегишли сектор раҳбарига ёзма маълумот бериб бориши лозим.

Вилоят ҳокимлигида кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган ишлар ҳамда вилоятда 2019-2020 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши муҳокама қилинди.

Эътиборсизлик муаммога сабаб бўлади

Вилоят ҳокими Э.Турдимов дастлаб кичик саноат зоналари фаолиятига тўхталиб, вилоятнинг 14 та ҳудудида 19 та ишлаб чиқариш майдонлари ташкил этилиб, уларга 115,8 гектар ер майдони ажратилгани, бироқ зоналар салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва тасдиқланган лойиҳаларни амалга ошириш ишлари суст олиб борилаётганини таъкидлади.

2019 йил иккинчи чорак якуни билан ишга туширилиши режалаштирилган 70 та лойиҳанинг ҳозиргача 26 таси ишга туширилган ва 44 таси белгиланган муддатдан ортда қолмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 8 та, Булунғур ва Жомбойда 7 тадан, Оқдарё ва Пайариқда 5 тадан, Иштихон ва Нарпайда 4 тадан, Паст Дарғомда 3 та, Каттакўрғон шаҳри, Қўшрабат ва Самарқанд туманида 2 тадан ва Пахтачида 1 та лойиҳа амалга оширилмаган.

Каттакўрғон шаҳри, Булунғур туманидаги лойиҳалар ижроси тугул, ҳатто ханузгача қурилиш ишлари аяқланмаган. Иштихон ҳамда Пайариқ туманларида 2018 йилнинг сўнги чорагида ишга туширилиши белгиланган лойиҳаларда ҳалигача қурилиш ишлари давом этмоқда.

СамИСи: Давлат грантига 45 ўрин ажратилган

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти бугун абитуриентлар билан гавжум. Улар олийгоҳга кириш тест синовларида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтмоқда.

- Янги ўқув йилидан мазкур олийгоҳда бакалаврлар тайёрлаш бўйича таҳсил олиш ис- тагида бўлган абитуриентлар 10 та йўналиш- дан бирини танлайди, - дейди институт қабул комиссияси масъул котиби И.Шодмонов.

Шу билан бирга магистрлар тайёрлаш учун учта мутахассислик бўйича 9 та йўна- лишга қабул режалаштирилган.

Сиртки таълим шаклида ўқимокчи бўлган абитуриентлар учун 3 та йўналиш бўйича 75 та ўринга қабул белгиланган. Шу таълим шак-

ли ва магистрлар тайёрлаш бўйича қабул жорий йилнинг 1 июлидан бошланди.

Дарвоқе, бакалаврлар тайёрлаш бўйича ўтган ўқув йилида мавжуд бўлган касб таъ- лими: бухгалтерия ҳисоби ва аудит, касб таълими: иқтисодиёт, меҳмонхона хўжали- гини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда ту- ризм(халқаро ва ички туризм) каби тўртта йўналиш бекор қилинди. Улар ўрнига жо- рий йилдан бошлаб талаб даражасига би- ноан меҳнат иқтисодиёти ва социологияси ҳамда аҳоли ва туристларнинг овқатлани- шини ташкил этиш сервиси йўналишлари- га қабул бошланди.

Институтга 2019-2020 ўқув йилида бака- лаврлар тайёрлаш бўйича грант асосида 45

Аҳолини рўйхатга олишга қанча маблағ сарфланади?

Президентиянинг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концессиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармониға кўра республикамизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади.

Аҳолини рўйхатга олиш хал- қаро тажрибага асосан ўткази- либ, аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар шакланти- риблиб, келажаки прогнозлаш- тириш имконияти яратилади. Тадбир давомида мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги "фотосурати"ни олиш ва умум- давлат миқёсида аҳоли тўғриси- даги ишончли ахборот манбаи шаклантирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири иқтисодий жиҳатдан бизга нима беради?

Биринчидан, аҳоли жон бо- шига макроиқтисодий кўрсат- қиларни (ялпи ички маҳсулот,

аҳоли даромадлари, саноат маҳ- сулоти ҳажми, истеъмол маҳсу- лотлари ҳажми, аҳолига кўрсати- ладиган хизматлар ҳажми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) ҳисоблашда фойдаланилади.

Иккинчидан, республика ва худудларни ижтимоий-иқтисо- дий ривожлантириш, аҳоли бан- длиги, аёллар ва болалар сало- матлигини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича манзил- ли дастурларни ишлаб чиқишда ахборот манбаи сифатида фой- даланилади.

Учинчидан, аҳоли пунктла- рининг инфратузилмасини яхши- лаш, меҳнат ресурсларидан

фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муд- датли дастурлар ишлаб чиқила- ди.

Бундай маълумотлар ижтимо- ий-иқтисодий жараёнларни ол- диндан баҳолаш, бандлик соҳа- сидаги сиёсатни белгилаш, иж- тимойий сиёсат ва аҳоли саломат- лиги бўйича дастурларни яра- тиш, шунингдек, давлат ҳокими- яти органларининг вазифалари- ни бажариши, илм-фан ва жами- ятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

Хўш, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар қайси молиявий манбалар ҳисобига қопланади?

Хорижий давлатлар тажриба- сига таянадиган бўлсак, аҳоли- ни рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш анчагина маблағ талаб

этади. Масалан, 2010 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирида сарфланган ха- ражатлар аҳоли жон бошига ўртача Тожикистонда 1,31 дол- лар, Қирғизистонда 1,12 доллар, Озарбойжонда 1,03 доллар, Мол- давияда 2,15 доллар, Россияда 3,81 долларни ташкил этган.

Ўзбекистонда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтка- зиш концепциясига мувофиқ аҳолини рўйхатга олиш тадбир- ларини ўтказиш билан боғлиқ ха- ражатлар Ўзбекистон Республи- каси давлат бюджети маблағла- ри ва қонун билан таққиланма- ган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Шароф АБДИЕВ, вилоят статистика бошқар- маси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Биз бугун фахр билан хо- тирлаётган инсон, Каттакўрғон шахрининг ҳурмат-эҳтирмонга лойик фарзанди - Сайфулла Ёрбобоев мохир курувчи, таш- килотчи раҳбар сифатида ўзи- дан ўчмас из қолдирди.

... Сайфулланинг отаси Теша- кул бува чўпқори уйлар қурадиган мохир уста-дурадгор бўлган. От ўрнини той босар деганларидек, Сайфулла ҳам ота касбига меҳр кўйиб улгайди. Падари бузрукво- ридан эрта ажралганига қарамай илм олишга, касб-хунар соҳиби бўлишга интилди. Аввал, мактаб- интернатда, кейинчалик Самар- қанд гидромелиорация технику- мида, Тошкент қишлоқ хўжалиги- ни ирригациялаш ва механизаци- ялаш институтида таҳсил олди.

1978 йилда институтни тамомлаб муҳандис-механик мутахассисли- гига эга бўлди. Орада ҳарбий хиз- матни Қозғоғистонда ўтаб, Бойкў- нғир космодроми қурилишида иштирок этиб, назарий билимла- рини амалиётда мустаҳкамлади. Меҳнат фаолиятини она шахрида- ги 48-механизациялашган кўча қурилиш ташкилотида бошлаган ишчан муҳандис кейинчалик вило- ят 2-қурилиш трести бошлиғи да- ражасига кўтарилди. Ўтган аср- нинг 80-90-йилларида вилояти- мизда қурилиб фойдаланишга топширилган кўплаб саноат, чор- вачилик, паррандачилик маҳмуа- лари, ўнлаб мактаб, боғча, шифо- хона, кинотеатр ва бошқа мада- ний-маиший объектларда жонбоз- лик кўрсатди.

Сайфулла аканинг раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти ай- ниқса мустакиллигининг дастлаб- ки йилларида ёрқин намоён бўлди. "СамВладКурган" қўша ма- корхонаси ташкил этилиб, юртимиз- га четдан қишлоқ хўжалиги техни-

Ота касбини улуғлаб



калари, зарур халқ хўжалиги мол- ларини олиб келди. Кейинчалик "Барака-С" савдо ишлаб чиқариш фирмаси фаолиятини йўлга қўйиб, ўнлаб иқтидорли мутахассислар- ни иш билан таъминлади. Мета- лга ишлов бериш, гул чиқариш, нақшли, чиройли ва мураккаб кон- струкциялар билан биноларни бе- заш, мустаҳкамлашда Каттакўрғ- он шахри ободончилигига катта ҳисса қўшди. Фидоқорона меҳна- ти, ташкилотчи раҳбарлиги боис эл хурматиға сазовор бўлди.

Ёрбобоевлар хонадони ҳақида гап кетганда каттакўрғонликлар шу оила бош фарзанди, Ўзбеки- стонда хизмат кўрсатган мадани- ят ходими Неъмат Ёрбобоевни ҳам эҳтиром билан хотирлашади. Н.Ёрбобоев илмли, ўта мадани- ятли инсон, мохир ташкилотчи си-

фатида Каттакўрғон шахар исти- роҳат боғини аҳолининг чинакам дам олиш ва ҳордиқ масканига айлантириш, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи сифатида вилоятда маданият муассасала- ри фаолиятини жонлантириш, хизмат савиясини ошириш бора- сида кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлди. Бир муддат ви- лоят рус драма театриға дирек- торлик қилиб, театр жамоаси ша- роитини яхшилаш, репертуарини бойитиш, томошабинлар мадани- ятини шакллантиришда жонкуяр- лик кўрсатди.

"Мен Неъмат акамни ўзимға нафақат оға, балки устоз деб қад- рлайман. Камтарона меҳнатим билан нимаға эришган бўлсам, акамдан миннатдорман", дер эди мудом Сайфулла ака.

Эзгу ишлари билан ҳаётда ёрқин из қолдирган Сайфулла Ёрбобоевнинг касб-корини ўғил- қизлари садоқат билан давом эт- тиришмоқда. Сайфулла аканинг умр йўлдоши Ойдинисо опа Кат- тақўрғон шахридаги Зарифобод маҳалласида фарзандлари ота чи- роғини ўчирмай хотирасини эъзозлаб келаётганидан хурсанд. Бугун аҳил-иноқ хонадон аҳли Сайфулла Ёрбобоевни хотирлаб руҳини шод этишмоқда.

Абдуазиз ХОШИМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади. Газетамизда чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп. Мурожаат учун телефон: (0366) 233-91-56.

ДАВБОЛАР БЎЛСА Самарқанд шаҳар ҳокимлиги тад- биркорлик субъектларини давлат рўйха- тидан ўтказиш бўлимидан рўйхатдан ўтган "SAMARQAND" масъулияти чек- ланган жамияти (қисқартирилган номи: "SAMARQAND" МЧЖ) жамият таъсисчи- ларининг 2019 йил 28 июндаги 2-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан их- тиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдири- ладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самар- қанд вилояти Самарқанд шаҳри Му- стақиллик кўчаси, 55-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган иден- тификацион рақами (СТИР): 203471261.

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги тад- биркорлик субъектларини давлат рўйха- тидан ўтказиш бўлимидан 2003 йил 5 мартда 366 реестр рақам билан рўйхат- дан ўтган "ROMA PLUS" масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: "ROMA PLUS" МЧЖ) жамият таъ- сисчиларининг 2019 йил 25 июндаги 1- сонли умумий йиғилиш қарорига асо- сан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдири- ладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самар- қанд вилояти Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 85-“А” уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган иден- тификацион рақами (СТИР): 204408717.

Самарқанд шаҳар давлат хизматла- ри марказидан 2019 йил 24 январда 673429 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KAFE MOJO" оилавий корхо- наси (қисқартирилган номи: "KAFE MOJO" ОК) корхона таъсисчиларининг 2019 йил 1 июлдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан ихтиёрий ра- вишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдири- ладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самар- қанд вилояти Самарқанд шаҳри Али Қўшчи кўчаси, 2-“Д” уй.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган иден- тификацион рақами (СТИР): 306034499.

Самарқанд шаҳар давлат хизматла- ри марказидан 2018 йил 19 октябрда 644361 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PREPARE FEATURE EDUCATION" масъулияти чекланган жа- мияти (қисқартирилган номи: "PREPARE FEATURE EDUCATION" МЧЖ) жамият ягона таъсисчисининг 2019 йил 1 июл-

даги 1-сонли қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдири- ладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбе- кистон Республикаси Самарқанд ви- лояти Самарқанд шаҳри Микрорай- он "В" кўчаси, 3-уй, 10-хона.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган иден- тификацион рақами (СТИР): 305813431.

Ургут туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Мурад- лова (2017 йил 19 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан мерос- хўрларнинг Ургут туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишла- рини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Ургут шаҳри Навоий шохкўчаси.

Самарқанд шаҳар 2-сон давлат но- тариал идорасида марҳум Қазимова Муминага (2013 йил 26 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасига муро- жаат этишларини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Ки- мёгарлар кўрғони, Умид кўчаси, 24-уй.

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат но- тариал идорасида марҳум Шарафова Ҳадича Жуманазаровнага (2018 йил 4 июлда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Аб- дурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат но- тариал идорасида марҳум Уринов Аъзам Намазо- вичга (2017 йил 4 ноябрда вафот эт- ган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан мерос- хўрларнинг Жомбой туман давлат но- тариал идорасига мурожаат этишлари- ни сўраймиз.

МАНЗИЛ: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳар 10-сон давлат но- тариал идорасида марҳум Бахритдино- ва Турага (2007 йил 30 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасига муро- жаат этишларини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳар 8-сон давлат но-

тариал идорасида марҳум Гуломов Ру- сатм Нажафовичга (2017 йил 25 майда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 8-сон давлат нотариал идораси- га мурожаат этишларини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Гарм кўчаси, 1-уй.

Самарқанд шаҳар 14-сон давлат нотариал идорасида марҳум Нурулла- ев Ҳамзахонга (2014 йил 11 январда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 14-сон давлат нотариал идора- сига мурожаат этишларини сўраймиз.

МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри Сўғдийна маскани, 14-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ Паст Дарғом туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Садинов Асилбек Жаббор ўғли номига берилган U № 4270703 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодат- нома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттакўрғон туманидаги 4-ўрта мактабдан 1997 йилда Зайнитдинов Шахруз Бахтиёрович номига берилган O’R-A № 156592 рақамли ўрта маълум- тот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқол- ганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Пулатов Нуриддин Фахриддин ўғли но- миға берилган U № 3709771 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги ша- ҳодатнома йўқолганлиги сабабли бе- кор қилинади.

Ургут туманидаги 6-умумий ўрта таъ- лим мактабдан 2004 йилда Очилова Муҳаддас Турсунмуродовна номига бе- рилган O’R-SH № 1267825 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 31-мактабдан 1997 йилда Туйчиева Шохсанам Давро- новна номига берилган UZI № 095618 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

К.Д.Ушинский номи Самарқанд педагогика билим юртидан 1988 йил- да Пардаева Хурсанд Турсуновна но- миға берилган рўйхат рақами 464 3Т- I № 870766 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2018 йил 24 декабрда Рустамова Амира Те- мировна номига Самарқанд шаҳри Ми-

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАР ЗАХИРАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси зарур билимга эга, етарли ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў- эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисослиги бўйича ками- да беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаро- лари ҳисобидан шакллантирилиши белгиланган. Хозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судларида 4 нафар вилоят судининг судьяси, Пайариқ туманлараро судининг раиси, шунингдек, Самарқанд вилоят иқтисодий судларида 1 нафар вилоят судининг судьяси, Самарқанд шаҳар, Иштихон, Тойлоқ туманлараро ва Паст Дарғом туман иқтисодий судларининг 1 нафардан судьяси ҳамда Нуробод туман иқтисодий судининг раиси лавозимларига бўш (вакант) ўринлар мавжуд. Шу муносабат билан мазкур бўш судьялик ўринларини тўлдириш ва судья- лик лавозимига номзодлар захирасини шакллантириш мақсадида ички ишлар идораларида самарали фаолият юритиб келаётган ходимларга бу ҳақда маъ- лум қилиб, уларга тегишли тартибда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судлари судьялари малака хайъатига ёки Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига мурожаат этишлари мумкинлигини эслатамиз. Манзил: Самарқанд шаҳри, Қўсарой майдони, 3-уй. Мурожаат учун телефонлар: +99866-231-03-58, 233-10-53.

роншоҳ кўчаси, 10-уй-жойнинг 17/100- қисми учун чиқарилган 2442-Қ сонли қарорининг асл нусхаси ҳамда шу уй учун Самарқанд шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонасидан берилган кадастр ҳужжат- лари тўплами шунингдек, шу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшработ туманидаги 64-ўрта мак- табдан 1997 йилда Абдиева (ҳозирда Бегабиева) Турдод Хасановна номига берилган O’R-A № 160596 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ бизнес мактаби (ҳозирги Тойлоқ қишлоқ хўжалик касб-хунар колле- жидан) 1996 йилда Мухтасинов Ра- мис Габдилхаевич номига берилган рўйхат рақами 5731, ҚХМ № 023616 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ бизнес мактаби (ҳозирги Той- лоқ қишлоқ хўжалик касб-хунар колле- жидан) 1995 йилда Мухтасинов Фанис Габдилхаевич номига берилган рўйхат рақами 5670, 1957 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги Нарзуллаев Суннатулло Ғолиб ўғли яқка тартибда- ги тадбиркорининг (СТИР: 584197125) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут қурилиш ва миллий хўнарман- дчилик коллежидан 2016 йилда Мансу-

ров Махмуджон Эркин ўғли номига бе- рилган K № 4276949 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабаб- ли бекор қилинади.

Фуқаро Бахронова Мархибатга қарашли Самарқанд шаҳри Ф.Ҳўжаев кўчаси 2-уй, 20-хонадоннинг уй даф- тари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонасидан 2007 йил 6 июлда Джаб- барова Назира Акбаровнага (марҳум) қарашли Самарқанд шаҳри Булунғур кўчаси 220-уй учун берилган 14005 ра- қамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги 15-ўрта мак- табдан 1996 йилда Оманова Сурайё Тошпулатовна номига берилган UZA № 004604 рақамли ўрта маълумот тўғри- сидаги шаҳодатнома йўқолганлиги са- бабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 48-ўрта мактабдан 1994 йилда Сувонова Сурайё Муроду- лаевна номига берилган A № 495608 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университетидан 2009 йилда Косимова (ҳозирда Хали- лова) Наргиза Эргашевна номига бе- рилган рўйхат рақами 1490, B № 463121 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.